



14.09.2019



**СОБИҚ шўролар даврида жуда кўп фуқароларимизнинг исм-шарифлари иш юритиш ҳужжатларида хато ёзилиши оқибатида айримлар бугун пенсияга чиқиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келаётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Ана шундай саргардонлардан бири Навбаҳор туманидаги М.Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Рустам Пармонович Эшмуродовдир. У туман адлия бўлимига фамилияси нотўғри қайд этилганлиги боис ишлаган иш ҳақларини пенсияга чиқиш учун қўшмаётганларидан норози бўлиб мурожаат қилган. Адлия бўлими томонидан фуқаронинг мазкур мурожаати ўрганиб чиқилди.**

Фуқаро Р.Эшмуродов мурожаатида 1974 йилдан 1976 йилга қадар Навбаҳор туманидаги собиқ “Бухоро” колхозида ишчи бўлиб ишлаганлиги, бироқ архив томонидан берилган маълумотномада 1974-1976 йилларда собиқ “Бухоро” колхозидagi иш ҳақи китобларида унинг фамилияси “Пармонов”, деб нотўғри ёзилганлиги сабабли, ушбу даврлар пенсиясига қўшиб ҳисобланмаслиги маълум қилинганлиги, иш ҳақи китобларидаги Рустам Пармонов номига ёзилган иш ҳақларини ўзига тегишли эканлиги фактини тасдиқлаш учун судга ариза киритиб беришни сўраган.

Мурожаатни ўрганиб чиқиш давомида Р.Эшмуродов ҳақиқатан ҳам 1958 йил 22 июлда Навбаҳор туманида туғилганлиги, унга тегишли бўлган туғилганлик ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларда, НТ №8380835-сонли ҳарбий гувоҳномасида “Эшмуродов Рустам Пармонович” номи қайд этилганлиги сабабли, 1974-1976 йилларда собиқ “Бухоро” колхозидagi иш ҳақи китобларида “Пармонов Рустам” номига юритилган иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатлар унга тегишли эканлиги ҳақидаги юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судига ариза киритилиб, суднинг 2019 йил 31 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилди.

**Нурали ИСРОИЛОВ,**

181 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

### Сўнгги янгиликлар:

- [Аёлда ор ва ғурурнинг йўқлиги миллат фожиасидир \(2019 йил, 38 сон\)](#) [3]
- [Обод қишлоқ, обод маҳалла ва равон йўллар \(2019 йил, 38 сон\)](#) [4]
- [Ғайриқонуний буйруқ бекор қилинди \(2019 йил, 38 сон\)](#) [5]
- [Ўн бешинчи фирибгарлик \(2019 йил, 38 сон\)](#) [6]
- [Орзуларни оловга отма! \(2019 йил, 38 сон\)](#) [7]
- [Одам савдоси жабрдийдасига айланманг! \(2019 йил, 37 сон\)](#) [8]
- [Атом энергияси тўғрисидаги Қонун: 10 та афсона ва ҳақиқат](#) [9]
- [“Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлови. Кураш қалб ва онгда шаклланиши керак \(2019 йил, 37 сон\)](#) [10]
- [Судьялар олий мактаби. Мамлакатимиз суд тизимида яна бир тарихий воқеа \(2019 йил, 36 сон\)](#) [11]
- [Уй ҳайвонларига паспорт нимага керак? \(2019 йил, 36 сон\)](#) [12]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/5026>

### Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/5026>  
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/5026>  
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/5039>  
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/5038>  
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/5037>  
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/5035>  
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/5034>  
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/5032>  
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/5030>  
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/5029>  
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/5024>  
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/5023>